O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI XALQ DEPUTATLARI HAZORASP TUMANI KENGASHI

QARORI

220700, Hazorasptumani, E.Gayazovko‘chasi, 32-uy, telefon: (62)33-25-579;faks: (62)33-25-579

2022 - yil 14 - fevral VI-77-32-12-174-K/22 Hazorasp tuman hokimligi

Ҳазорасп туманидаги айрим маҳаллаларни бўлиш ҳисобига янги маҳалла ташкил этиш, ном бериш ҳамда уларнинг чегараларини ўзгартириш ва белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 48-сон қарорига асосан, халқ депутатлари Ҳазорасп туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг 2021 йил 29 ноябрдаги 08-06643-сонли хати маълумот ва ижро учун ҳамда “География объектларни номлаш ва қайта номлаш” масалалари бўйича туман комиссиясининг 2021 йил 24 сентябрдаги 1-179-сонли йиғилиш баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Алоқали кўл”, “Шукрона”, ва “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғинларини бўлиш ҳисобига янги маҳалла ташкил этиш, ном бериш ҳамда уларнинг чегараларини ўзгартириш ва белгилаш тўғрисидаги йиғилиш баённомалари ва таклифлари маъқуллансин.

3. Қуйидагилар:

Ҳазорасп туманидаги ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига бўлинаётган ҳамда янги ташкил этилаётган маҳаллаларнинг номлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Ҳазорасп туманидаги ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига бўлинаётган ҳамда янги ташкил этилаётган маҳаллаларнинг чегаралари ва тавсифи 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман ҳокимининг ўринбосари - маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (М.Эшчанов):

- янги ташкил этилаёган маҳаллаларнинг тўлиқ шаклланиши ва фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилсин;

- ҳудудига ўзгартириш киритилган маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси ўртасида тегишли тушунтириш ишлари олиб борилсин.

5. Туман ҳокимининг биринчи ўрибосари (Ғ.Саттаров), туман ҳокимининг ўринбосари - маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (М.Эшчанов), туман молия бўлими бошлиғи (Ш.Хўжаниёзов) янги ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун зарур маблағларни маҳаллий бюджетдан белгиланган тартибда ажратиш чоралари кўрилсин.

6. Туман ҳокимининг ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (М.Эшчанов), туман қурилиш бўлими бошлиғи (Ф.Собиров), кадастр агентлигининг туман бўлими бошлиғи (О.Юсупов), Давлат кадастрлар палатаси туман бўлими бошлиғи (Х.Саъдуллаев) туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Ж.Рўзимов), туман статистика бўлими бошлиғи (лавозимига кўра), туман молия бўлими бошлиғи (Ш.Хўжаниёзов), туман давлат хизматлари маркази раҳбари (Ф.Назаров) ва бошқа тегишли мутасадди давлат органлари билан биргаликда янги ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғинлари номларини, чегараларини, аҳоли ва хонадонлар сонини давлат рўйхатидан ўтказиш, электрон базани шакллантириш, молиялаштириш, ва бино билан таъминлаш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширсинлар.

7. Туман ички ишлар бўлими бошлиғи (Х.Машарипов) номлари

ўзгарган маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига, мазкур ҳудуд акс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

8. Туман қурилиш бўлими бошлиғи (Ф.Собиров)га ҳудудларда янги номланган ва номлари ўзгартирилган маҳаллаларнинг янги номлари ёзилган кўрсаткич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида босқичма-босқич ўрнатилишини таъминласин.

9. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари, (Ж.Усманова) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва расмий веб-сайтга ўрнатилишини таъминласин.

10. Мазкур қарор расмий тасдиқланган кундан кучга киради.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси раиси К.Бекчанов ва туман ҳокимининг ўринбосари - маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи М.Эшчанов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **У.Машарипов**

Халқ депутатлари Ҳазорасп туман
Кенгашининг
2022 йил 14 февралдаги
VI-77-32-12-174-К/22-сон қарорига
1-илова

Ҳазорасп туманидаги ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига бўлинаётган ҳамда янги ташкил этилаётган маҳаллаларнинг номлари

РЎЙХАТИ

Т/Р	**Бўлинадиган маҳаллалар номлари**	**Бўлиниш ҳисобига янги ташкил этилаётган маҳаллалар номлари**	**Изоҳ**
1.	“Алоқали қўл” маҳалласи	“Баркамол авлод” маҳалласи	Маҳалла фуқаролар йиғинлари таклифлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг 2021 йил 29 ноябрдаги 08-06643-сонли хатига асосан
2.	“Ўзбекистон” маҳалласи	“Обод замин” маҳалласи	
3.	“Шукрона” маҳалласи	“Тараққиёт” маҳалласи	

Халқ депутатлари Ҳазорасп туман
Кенгашининг
2022 йил 14 февралдаги
VI-77-32-12-174-К/22-сон қарорига
2-илова

Ҳазорасп туманидаги ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига бўлинаётган ҳамда янги ташкил этилаётган маҳаллаларнинг чегаралари ва тавсифи

“Алоқали кўл” маҳалласи

Ўзгараётган “Алоқали кўл” маҳалласи ҳудуди “Табаррук-1” кўчаси 56 хонадон, “Табаррук-2” кўчаси 41 хонадон, “Зиёкор-2” кўчаси 72 хонадон, “Кумуштола-1” кўчаси 48 хонадон, “Кумуштола-2” кўчаси 68 хонадон, “Иноқлар-1” кўчаси 69 хонадон, “Зиёкор-3” кўчаси 79 хонадон, “Ипак йўли-1” кўчаси 83 хонадон, “Ипак йўли-2” кўчаси 65 хонадон, “Ипак йўли-3” кўчаси 53 хонадон, “Ипак йўли-4” кўчаси 45 хонадон, жами 734 хонадонни ташкил этади,

Маҳалланинг умумий ер майдони: 634,03 га

Умумий экин ери майдони: 346.25 га

Фермер ҳўжаликлари сони: 7 та

Мактаблар сони: 1 та

Мактабгача таълим ташкилотлари сони (Давлат, оилавий МТТлар): 1 та

Тадбиркорлик субъектлари сони: 15 та



“Баркамол авлод” маҳалласи

Янги ташкил этилаётган “Баркамол авлод” маҳалласи ҳудуди “Келажак-1” кўчаси 111 хонадон, “Келажак-2” кўчаси 113 хонадон, “Келажак-3” кўчаси 183 хонадон, “Зиёкор -4” кўчаси 83 хонадон, “Иноқлар” кўчаси 156 хонадон, жами 546 хонадонни ташкил этади.

Маҳалланинг умумий ер майдони: 4 661,45 га

Умумий экин ери майдони: 594.31 га

Фермер ҳўжаликлари сони: 31 та

Мактаблар сони: 1 та

Мактабгача таълим ташкилотлари сони (Давлат, оилавий МТТлар): 1 та

Тадбиркорлик субъектлари сони: 14 та



“Ўзбекистон” маҳалласи

Ўзгараётган “Ўзбекистон” маҳалласи ҳудуди “Гулобод” кўчаси 110 хонадон, “Гужумзор” кўчаси 114 хонадон, “Обод кўнгил” кўчаси 78 хонадон, “Келажак сари” кўчаси 334 хонадон жами 689 хонадонни ташкил этади.

Маҳалланинг умумий ер майдони: 257,92 га

Умумий экин ери майдони: 98.27 га

Фермер ҳўжаликлари сони: 7 та

Мактаблар сони: 1 та

Мактабгача таълим ташкилотлари сони (Давлат, оилавий МТТлар): 1та

Тадбиркорлик субъектлари сони: 43 та



Янги махалла худуди

“Обод замин” маҳалласи

Янги ташкил этилаётган “Обод замин” маҳалласи ҳудуди “Мевазор” кўчаси 278 хонадон, “Нуржахон” кўчаси 130 хонадон, “Рохатбахш” кўчаси 152 хонадон, “Навбахор” кўчаси 311 хонадон, жами 851 хонадонни ташкил этади.

Маҳалланинг умумий ер майдони: 551,46 га

Умумий экин ери майдони: 289.32 га

Фермер ҳўжаликлари сони: 7 та

Мактаблар сони: 1 та

Мактабгача таълим ташкилотлари сони (Давлат, оилавий МТТлар): 1 та

Тадбиркорлик субъектлари сони: 32 та


Ж.Мангберди махалласи
Бешта махалласи худуди
Боги эрам махалласи
Янги хаёт махалласи
Туркманистон Республикаси

“Шукрона” маҳалласи

Ўзгараётган “Шукрона” маҳалласи ҳудуди “Боғибўстон” кўчаси 369 хонадон, “Шуқурона” кўчаси 276 хонадон, “Порлоқ Истиқлол” кўчаси 185 хонадон, жами 670 хонадон ни ташкил этади.

Маҳалланинг умумий ер майдони: 213,18 га

Умумий экин ери майдони: 92.4 га

Фермер ҳўжаликлари сони: 3 та

Мактаблар сони: 1 та

Мактабгача таълим ташкилотлари сони (Давлат, оилавий МТТлар): 4 та

Тадбиркорлик субъектлари сони: 12 та



“Тараққиёт” маҳалласи

Янги ташкил этилаётган “Тараққиёт” маҳалласи ҳудуди “Бахт” кўчаси 197 хонадон, “Олимпия” кўчаси 185 хонадон, “Обод” кўчаси 188 хонадон, жами 570 хонадонни ташкил этади.

Маҳалланинг умумий ер майдони: 207,06 га

Умумий экин ери майдони: 24,10 га

Фермер ҳўжаликлари сони: 5 та

Мактаблар сони: 1 та

Мактабгача таълим ташкилотлари сони (Давлат, оилавий МТТлар): 1 та

Тадбиркорлик субъектлари сони: 16 та

